ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 2 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИ

Зухра Абдурахмановна Умарова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бошланғич таълим дидактикасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритилган ва методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: таълим, бошланғич, дидактика, тушунча, хусусият, билим, кўникма, самара, малака, ёндашув, ўқитиш, метод.

DIDACTICS OF PRIMARY EDUCATION

Zukhra Abdurahmanovna Umarova
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article examines the features of the didactics of primary education and provides guidelines.

Keywords: education, elementary, didactics, concept, characteristic, knowledge, skill, efficiency, skill, approach, teaching, method**.**

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари жараёнида бошланғич таълимни ривожлантириш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунинг учун бошланғич таълим дидактикаси асосларини идрок этиб олиш мақсалга мувофиқдир.

Дидактика тушунчаси. Дидактика педагогика фанининг муҳим таркибий қисмидир. “Дидактика” сўзи лотинча бўлиб, ўқитиш назарияси ва қонуниятларини ўрганади. Дидактиканинг асосий категориялари қуйидагилардан иборат:

1) ўқитиш;
2) таълим бериш;
3) ўқиш.

Дидактиканинг ўқитиш категорияси таълимни илмий ва тизимли қонуниятлар асосида ташкил қилишни ифодалайди. Мазкур категория

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

педагогиканинг негизи ҳисобланади. Дидактиканинг таълим бериш категорияси қуйидагиларни билдиради:

- билим бериш;
- маълумотлар узатиш;
- ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- ўқиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш;
- ўқувчиларнинг ижодкорлиги ва мустақиллигини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таълим бериш категорияси ўқитувчининг (педагогнинг) фаолияти натижасида амалга оширилади. Дидактиканинг ўқиш категорияси қуйидагиларни ифодалайди:

- ўқувчиларнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши;
- ўқувчиларнинг берилган топшириқларни бажариши;
- ўқувчиларнинг онги, дунёқараши ва мустақил фикрининг шаклланиши.

Ўқиш категорияси таълим олувчилар фаолияти билан амалга оширилади. Дидактиканинг асосий вазифаси ўқув фаолиятини амалга оширишдир. Ўқув фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- билимлар мажмуини бериш ва эгаллаш;
- ўқув фаолиятини турли воситалар ва методлар асосида ташкил этиш;
- ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш;
- ўқувчиларнинг билиш тажрибасини кучайтириш.

Дидактиканин ўқув фаолиятидаги самарадорлиги ички ва ташқи мезонлар билан белгиланади. Бунда ички мезон таълимни муваффақиятли ўзлаштиришдан иборат, ташқи мезон эса таълимнинг умумий самарадорлиги билан белгиланади. Бу мезонлар асосида ўқув фаолияти тартибга солиниб борилади ва унда сифат ҳамда самарадорлик даражаларига кўра ўқув фаолияти баҳоланади.

Дидактика назарияси ва амалиётига доир бир неча тадқиқотлар амалга оширилшан. Бу борада айниқса чех педагоги Ян Амос Коменскийнинг (XVII аср) “Буюк дидактика” асари муҳим ҳисобланади. Бу асарда қуйидагилар дидактиканинг асосий тамойиллари сифатида асослаб берилган:

а) болапарварлик;

б) халқпарварлик;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

в) инсонпарварлик;
г) бағрикенглик.

Дидактиканинг мазкур тамойиллари ҳозирги замон таълим ва тарбия жараёнида қабул қилинган бўлиб, улар педагогик қонуниятлар сифатида қаралади. Бундай ёндашув натижасида бутун дунё таълим тизимида гуманизм идеал ғоя сифатида қабул қилинган. Унга кўра, таълим олиш ва таълим беришда инсоннинг ёши, жинси, ирқи, миллати ва ижтимоий мавқеи ҳисобга олинмайди. Шу жиҳатдан кейинги 4 аср давомида педагогика фани инсонпарварлик санъати сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Ўзбекистон шароитида ўқув фаолияти дидактиканинг қонуниятлари ва томойилларига қатъий амал қилинган ҳолда ташкил этилган. Шу сабабли мамлакатимиз таълим тизими халқларнинг илғор ривожланиб борувчи таълими Рўйхатига киритилган.

Бошланғич таълим дидактикасининг хусусиятлари. Ўзбекистон педагогик фанлари таркибида бошланғич таълим дидактикаси ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

- 7-11 ёшли ўқувчиларни билим оламига олиб кириш;
- мазкур ёшдаги ўқувчиларни жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларига мос равишда ўқитиш;
- бошланғич таълимда энг замонавий ва мақбул ўқув фанларини қўллаш.

Шунингдек, бошланғич таълим дидактикасида асосий эътибор ўқитиш ва ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришига қаратилади. Шу сабабли 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб бошланғич таълим давлат стандартлари қайта кўриб чиқилди ва ўқув фанлари мақбуллаштирилди. Мисол учун, ўзбек педагогикаси тарихида илк бор “Тарбия” ўқув фани яратилди ва таълим жараёнига татбиқ этилди. Бошланғич синфларда мазкур фан ўқувчиларнинг онги, дунёқараши ва ахлоқини миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосан шакллантиришга йўналтирилган.

Бошланғич таълим дидактикасида ўқитишнинг сифат ва самарадорлигига эришиш бош мақсад ҳисобланади. Шу жиҳатдан ўзлаштириш жараёни қуйидаги даражалар асосида баҳоланади:

1) фанларнинг (ҳодисаларнинг, воқеликнинг, фактларнинг) ўқувчилар томонидан фарқланиши ва ўзлаштирилиши;
2) фанлар материалларини тушуниши ва улар асосида ўқувчиларнинг ўз билимларини бойитиб бориши.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

Ўзбекистон бошланғич таълим дидактикасида ўқитувчиларнинг индивидуал ўқтитиш услублари муҳим ўрин тутади. Унга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон бошланғич таълимида бин нечта фан ўқитувчилари ўқув фаолияти билан шуғулланмоқда. Мазкур ўқитувчиларнинг ҳар бири ўзининг индивидуал ўқитиш услубига эга. Айни пайтда, бошланғич таълим давлат стандартларига мувофиқ ўқитувчиларнинг турли ўқитиш услублари педагогик қонуниятлар асосида умумийлашади. Бунда қуйидаги қонуниятлар асосий вазифани бажаради:

- мавзуларнинг тушунтириш ва ўргатиш методлари асосида ёритилиши;
- ҳар бир ўқувчининг мавзуларни ўзлаштиришга эришилиши;
- ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ва руҳий имкониятларига мос ўқув воситаларининг танланиши;
- ўқувчиларни мустақил таълим олишга йўналтирилиши.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавакат Мирзиёевнинг ташаббуси билан жамиятда китобхонлик қадрияти қайта тикланди. Бунинг натижасида бошланғич таълим дидактикасида ҳам янгиланиш рўй берди. Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларинг китоб ўқишлари ва уларни муҳокама қилишлари бошланғич таълим дидактикасининг таркибий қисмига айланди. Бугунги кунда педагогик олимларнинг олдида бошланғич синф ўқувчилари ўқиши зарур бўлган адабиётлар мажмуини тузиш ва китобхонликнинг дидактик муаммоларини ҳал қилиш вазифаси турибди. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бошланғич таълим дидактикаси асослари ва ёрдамчи дидактик адабиётлар хусусиятлари тўғрисида аниқ билимга эга бўлиши керак.

Бошланғич таълим дидактикасида ўқитишнинг оддийдан мураккабликка тамойилига асосланилади. Бунда ўқувчиларнинг билим даражаси ва кўникмаси босқичма-босқич ривожланиб боришига асосий эътибор қаратилади.

Ҳозирги замон технологиясининг ривожланиши натижасида бошланғич таълимда масофавий таълим, компьютерли технологияли таълим кабилар кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли бундай технологияли таълим турларининг дидактикасини ишлаб чиқиш зарурят бўлиб турибди. Бу борада бизнинг ёндашувимиз қуйидагича: компьютер каби техник имкониятлар бошланғич таълимда мақсад эмас, балки восита бўлиши керак. Бундай ёндашув 7-11 ёшли

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

ўқувчиларнинг техник воситалардан оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантиради.

Бошланғич таълим дидактикаси самарадорлиги. Ўзбекистон шароитида бошланғич таълим дидактикасининг самарадорлиги қуйидагилар билан белгиланади:

а) ўқув жараёнини энг юқори талаблар асосида ташкил этиш;

б) бошланғич таълимни профессионал ўқитувчилар билан таъминлаш;

в) бошланғич таълим давлат стандартларини қатъий бажариш.

МУҲОКАМА

Мазкур мезонларга биноан бошланғич таълим дидактикасининг самарадорлигига эришилади. Кейинги пайтларда бошланғич таълимда техник воситаларни ва замонавий технологияларни кенг қўлланилаётганлиги боис бошланғич таълимнинг самарадорлиги айнан ана шу жараён билан баҳоланмоқда. Бироқ, бошланғич таълим дидактикасининг самарадорлиги энг аввало Ўқитувчиларнинг фаолияти билан баҳоланиши керак. Чунки ўқитувчининг асосий мақсади ўқув фанларини талаб даражасида ўқитиш, тушунтириш ва унинг йўналишларини баҳолаб боришдан иборат. Шу жиҳатдан бошланғич таълим дидактикасида техник воситалар ва замонавий технологиялар самарадорликка эришишнинг иккиламчи асоси ҳисобланади.

Олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бошланғич таълим дидактикасининг самарадорлигига эришиш кўникмасини эгаллаши тақозо этилади. Бунинг учун талабалар қуйидагиларга амал қилиши керак:

- бошланғич таълим дидактикаси бўйича билимларни эгаллаш;
- бошланғич таълим дидактикасига доир қўшимча адабиётларни ўқиш;
- “Бошланғич таълим” журнали ва “Маърифат” газеталари билан мунтазам танишиб бориш;
- Устозлардан бошланғич таълим дидактикасига доир маслаҳатлар олиш.

ХУЛОСА

Ўзбекистон шароитида умумий дидактика масалалари яхши тадқиқ этилган. Айни пайтда, бошланғич таълим дидактикаси бўйича илмий ишланмалар кам. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида талабаларнинг бошланғич таълим дидактикаси муаммолари бўйича илмий тадқиқотчилигини кучайтириш долзарб бўлиб турибди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

Бошланғич таълим дидактикасининг умумий самарадорлиги 4-синф битирувчиларининг билим ва кўникма даражаси билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бошланғич таълим битирувчиларини умумий, Президент ва ихтисослаштирилган мактабларга тайёрлаш вазифаси қўйилди. Шу маънода бошланғич таълимни битирувчилар ушбу таълим масканларининг қайси бирида кўп ўқишига қараб бошланғич таълим дидактикасининг умумий самарадорлиги баҳоланиши таркиб топди. Бу янгилик бошланғич таълим дидактикаси самарадорлигида асосий мезонлардан бири сифатида қаралмоқда.

Шундай қилиб ҳозирги замон “Бошланғич таълим дидактикаси” мазмуни ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан педагогик фанлар таркибида муҳим ўрин тутади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан сўзлаган Мурожаат нутқи.// “Халқ сўзи”газетаси 2020 йил 1 октябрь сони.
2. Абдуллаева Б. ва бошқ. Общая педагогика. – Т.,2017.
3. Куписевич Ч.Основы общей дидактики. – М.,1986
4. Jabborova Onahon Mannapovna, Jumanova Fotima Uralovna, Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of artistic perception of future teachers. International journal of pssycological and rehabilitation, 24(4), 4087-4095.
5. Jabborova Onahon Mannapovna. (2019). Psycholocial and pedagogical foundations of the formation of the artistic perception of students in secondary schools. European journal of research and reflection in educational sciences, 7(10), 9-14.
6. Jabborova Onahon Mannapovna, Ismoilova Dilafruz Muhiddinovna. (2020, may). Optimation of primary education. ACADEMICIA: An international multidisciplinary research journal, 10(5), 1229-1232.
7. Мардонов Ш.К., Жаббарова О.М. Задачи уроков изобразительного исскуства в начальной школе. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 862-870.
8. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00234

9. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
10. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
11. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
12. Мардонов Шукурулло Қўлдошевич, Хужамқулов Умид Негматович, Ботирова Шахло исомиддиновна, Шерматова Умида Сафаевна. The end to educate young people with the spirit of patriotism in the context of globalization. Journal of Critical Reviews, Malaysia, 2020, Vol.7, Issue 12, pp 166-169.
13. Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue 07-42
14. Ruzibaeva, N. R. (2021). COGNITIVE LINGUISTICS: BASIC CONCEPTS. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 438-446.
15. Shonazarovna, M. V. (2019). SOME WAYS OF LEARNING FOREIGN LANGUAGE AT AN EARLY AGE. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(10).
16. Mamadayupova, V. S. (2015). Application of information technologies in the course of training in the foreign language. European Journal of Education and Applied Psychology, (1), 6-8
17. Raufov, M. M. (2021). ELEMENTARY TRANSFORMATIONS IN SIMULTANEOUS TRANSLATION. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 484-490
18. Baxriddinova Muyassarxon Rahimovna (2020). THE LEXICOGRAPHICAL ASPECTS OF LEGAL TERMS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. Oriental Art and Culture, (V), 143-146.). T
19. Baxriddinova, M. R. (2016, September). Эффективные методы предотвращения конфликтов в Высших учебных заведениях. In XIV Международная научно-практическая конференция (второй этап)«Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития»НЕ LE
20. Бахриддинова, М. Р. (2021). О ПРОЦЕССЕ ТЕМАТИЧЕСКОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ. Academic research in educational sciences, 2(1).